

**Қонуний ва асосли қабул қилинган суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 5 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2013 йил 30 сентябрдаги ҳукмига асосан, Э. Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан 5 йил 4 ой, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э. 2012 йил 31 январь куни соат 20.15 ларда Наманган шаҳар, Оромгоҳ даҳасида жойлашган вилоят саломатликни қайта тиклаш шифохонаси биноси ёнида қаровсиз қолдирилган Д.нинг "Матиз" русумли автомашинасининг орқа эшиги ойнасини синдириб, автомашина салонидаги 350 АҚШ долларилек "PROLOG MDD" русумли монитор-магнитофонини ўғирлаб кетган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, Э.нинг айбдорлиги ҳақида асосли ҳулосага келиб, унинг ҳаракатини тўғри квалификация қилган.

Жиноят кодексининг 60-моддаси талабига мувофиқ, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 60-бандида, тайинланган жазога илгариги ҳукм бўйича тайинланган ва судга маълум бўлган жазонинг ўталмаган қисми қўшилмаслиги жиноят қонуни нормаларининг нотўғри қўлланилиши сифатида баҳоланиб, ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ишдаги хужжатларга кўра, Э. муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2010 йил 20 январдаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, шу суднинг 2012 йил 18 майдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

Шу даврда Э. жиноят содир этганлиги аниқланиб, жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 2012 йил 10 августдаги ажрими билан унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Кейинчалик Э. Қозоғистон Республикасида ушланиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Э.ни Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиний жавобгарликка тортиш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилган.

1993 йил 22 январдаги "Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Минск Конвенциясининг 56-моддаси 3-қисмида, шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлиб, унга нисбатан чиқарилган суд қарорини ижро этиш учун иккинчи давлатдан розилик сўралиши лозимлиги қайд этилган.

Конвенция талабига кўра, ҳукми ижро этиш учун шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров фақат олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорини ижро этиш учунгина юборилади.

Шунга кўра, суд Жиноят кодексининг 60-моддаси талаби, Олий суд Пленуми қарори тушунтиришлари ҳамда Конвенция қоидаларига риоя этган ҳолда, Э.га нисбатан олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки оғирроқ жазони эмас, балки илгариги ҳукм бўйича

тайинланган ва судга маълум бўлган ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қўшиб, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаб, асосли қарор қабул қилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 13 мартдаги ажрими билан Э.га оид жиноят иши юзасидан киритилган протест қаноатлантирилмасдан, унга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ва апелляция инстанцияси ажрими ўзгаришсиз қолдирилди.

***ЖСХ 5-59-14 назорат иши***